**“Кичик бизнесни узлуксиз қўллаб-қувватлаш” комплекс дастурида иштирок этувчи кичик тадбиркорлик субъектларини шаффофлик тамойиллари асосида танлаб олиш тартиб-таомиллари**

**СХЕМАСИ**

| **Ариза бериш ва скоринг тизими** | **Ҳоким ёрдамчилари** | **Лойиҳаларни баҳолаш ва танлаш гуруҳлари** | **Марказлар** | **Тижорат банклари, Жамғарма ва Марказлар** | **Марказлар ва тижорат банклари** |
| --- | --- | --- | --- | --- | --- |
| Ташаббускор томонидан ариза берилади, тижорат банклар кўмагида скоринг баҳолаш ўтказилади | Тижорат банклар кўмагида скоринг баҳолашдан ўтган ташаббускорлар билан бевосита жойида учрашиб, тасдиқланган саволнома асосида белгиланган мезонларга мувофиқлиги ўрганилади ва ташаббускорларнинг дастлабки рўйхати шакллантирилади | Дастлабки рўйхатга киритилган ташаббускорларнинг тадбиркорлик кўникмаси ва бизнес-режаларининг яшовчанлигини баҳолаш асосида истиқболли лойиҳалар танлаб олинади ва улар фаолияти даври, пул айланмаси ва ишчилар сонига қараб тоифаларга ажратилади | Ўқитиш ташкил этилади ва имтиҳондан муваффақиятли ўтганларга сертификат берилади | Танлаб олинган лойиҳалар қуйидагича молиявий ва консультатив қўллаб-қувватланади:<br>а) кредитлар ажратиш;<br>б) лизинг хизматлари кўрсатиш;<br>в) бўлиб-бўлиб тўлаш имкониятини тақдим этиш;<br>г) улушдор бўлиб иштирок этиш;<br>д) грант маблағлари тақдим этиш;<br>е) консультация хизматларини кўрсатиш | Тегишли бизнес режалари амалга оширилишининг мониторинги юритилади ҳамда мақсадли кўрсаткичларга эришилгандан сўнг киритилган улушни белгиланган тартибда сотиш чоралари кўрилади |